

Жангчи адиб Вали Гафуров ўзининг икки китобдан иборат «Вафодор» романи, «Сўнгги пушаймон», «Ботирга ўлим йўк» каби киссалари, «Шохлардаги мезонлар» каби мемуар ва ўнлаб ажойиб хикоялар муаллифи сифатида адабий жараёнга хисса қўшиб келади. У 1922 йилда Тошкентда тугилган.

Таржимаи холи ниҳоятда оддий, айна чогда хаяжонли, жасоратга тўла, сермазмун. Оддийлигк — у айрим хамкасблари каби лавозимларда ўтирмади. Ўқиш, меҳнат билан машгул бўлди.

Тошкент Давлат дорилфунунида тахсил олди, Самарканд вилоят мактабларида ўқитувчилик дилди. 19 ёшга етар-етмас жангу жадалга йўл олди. Сталинград остоналарида мардлик, кахрамонлик намуналарини кўрсатди. Навбатдаги разведка вақтида бир йўла икки кўзидан ажралди, бир оёғи ногирон бўлиб қолди.

Жангдан қайтгач тиришқоклиги, меҳнатсеварлиги ва яхши одамлар кўмагида браил-игна билан ёзиш, ўқиш усулини тезда ўзлаштириб олди. Ўқитувчилик қилди, кўзи ожизларга раҳбарлик қилди. Ва ниҳоят, 60- йиллар бошларига келиб унинг игна билан ёзилган «Вафодор» романининг биринчи китоби нашр этилди.

1973 йилда «Вафодор» романининг иккинчи китоби: пайдо бўлди. Асар китобхон ва адабий жамоатчилик томонидан илик кутиб олинди, рус ва қардош тилларга таржима бўлди. Романда ёзувчининг шахсий ҳаёти, Тақдири орқали халқимизга ҳос метин-мустаҳкам ирода, кахрамонлик, биродарлик туйғулари улугланди.

Вали Гафуров «Вафодор» романидан сўнг «Сўнгги пушаймон», «Ботирга ўлим йўк» каби киссалар, «Шохлардаги мезонлар» каби мемуар характердаги полотнолар ва кўплаб хикоялар яратди. Улар орасида «Сўнгги пушаймон» киссаси алоҳида ажраб туради. Унда замонамиз ва замондош ёшларнинг маънавий-ахлоқий баркамоллашувига тўсик бўлаётган айрим эскича урф-одатлар, нуқсонларни бартараф этиш йўллари изланади.

У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.